



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 6 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 6

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№6 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-6>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)
Umarxanova Dildora Sharipxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslovovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ҲУҚУҚРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)
Mexmonov Kambariddin Miradxanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ҲУҚУҚРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)
Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirazov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Рузиназаров Шухрат Нуралиевич ЮРИДИК ТАЪЛИМНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ ШАРОИТИДА «РАҚАМЛИ ҲУҚУҚ» (DIGITAL LAW) ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	5
2. Aminov Dalerjon Alisher o'g'li O'ZBEKISTONDA HUQUQIY TA'LIM VA AMALIYOT HAMKORLIGINING ZAMONAVIY MODELLARI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI.....	34
3. Зулунов Махсудбек Махаммаджонович ФОНДЛАР МУЛКИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИ: НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ.....	41
4. Азизов Иқболжон Гулямович ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ИШ ЮЗАСИДАН ХУЛОСА БЕРИШ УЧУН ИШТИРОК ЭТУВЧИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҲОЛАТИ.....	50
5. Жураев Анваржон Ильхомжон угли ПРАВОВАЯ ПРИРОДА МАХАЛЛИ И ЕЁ РОЛЬ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННЫХ ВИДОВ ТУРИСТИЧЕСКОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА.....	58
6. Алтиев Раззоқ Саидович ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ, АҲАМИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ.....	67
7. Давлетмуратов Султанмурат Рустемович МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР: ТУШУНЧА, ТАСНИФ ВА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК НОРМАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	79
8. Ismoilov Shoxabbos G'ayratjon o'g'li JINOYAT KODEKSI UMUMIY VA MAXSUS QISMLARI NORMALARI RAQOBATINING HUQUQIY TAHLILI.....	88
9. Кахаров Фируз Елмуратович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚЎШИМЧА ЖАЗОЛАР ТИЗИМИ: ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ.....	98
10. Salaev Nodirbek Saparbaevich TRANSFORMATION OF UZBEKISTAN'S PENAL ENFORCEMENT LEGISLATION: A NEW PARADIGM OF HUMANISM, REINTEGRATION AND INNOVATIVE PENITENTIARY POLICY.....	106
11. Нажмитдинов Нодирхон Амриллохонович ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИ ОЛИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК.....	115
12. Adilxodjaev Sherzod Shuxratovich KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH SIYOSATINING DOLZARB MASALALARI: KORRUPSIYA TUSHUNCHASI VA ALOMATLARI.....	124



12.00.09-УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА

Нажмитдинов Нодирхон Амриллохонович,
Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси
E-mail: amrilloxon47@gmail.com

ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИ ОЛИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

For citation: Najmitdinov Nodirkhon Amrillokhanovich. INTERNATIONAL COOPERATION IN OBTAINING DIGITAL EVIDENCE IN THE INVESTIGATION OF TERRORISM-RELATED CRIMES. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 6.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.21938755>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада терроризм билан боғлиқ жиноятлар бўйича далилий аҳамиятга эга бўлган электрон маълумотларни хорижий давлатлар ҳудудидан расмий ва норасмий ҳамкорлик ҳамкорлик шаклларида фойдаланган ҳолда ўз вақтида ҳамда далиллар мақбуллиги талабларидан келиб чиқиб сўраб олиш механизми, шунингдек, ҳуқуқий асослари батафсил ёритилган. Бундан ташқари, рақамли далилларга хос бўлган жиҳатларни инобатга олиб, сўраладиган электрон маълумотларни дастлаб, уларнинг бутлигини сақлаб туриш бўйича провайдерларнинг ўзига тўғридан-тўғри сўров юбориш тартиби таъкиф этилган.

Калит сўзлар: терроризм, трансчегара, юрисдикция, Будапешт конвенцияси, провайдерлар, 24/7 тармоғи, data preservation, ўзаро ҳуқуқий ёрдам сўрови, расмий ва норасмий ҳамкорлик.

Нажмитдинов Нодирхон Амриллохонович,
Соискатель Университета общественной безопасности
E-mail: amrilloxon47@gmail.com

МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО В ПОЛУЧЕНИИ ЦИФРОВЫХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С ТЕРРОРИЗМОМ

АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно освещаются правовые основы и механизм своевременного запроса электронных данных, имеющих доказательственное значение по уголовным делам, связанным с терроризмом, с территории иностранных государств с использованием официальных и неофициальных форм сотрудничества, с учётом требований допустимости доказательств. Кроме того, принимая во внимание особенности, присущие цифровым доказательствам, предлагается порядок первоначального направления прямого запроса самим провайдерам с целью обеспечения сохранности (целостности) запрашиваемых электронных данных.

Ключевые слова: терроризм, трансграничность, юрисдикция, Будапештская конвенция, провайдеры, сеть 24/7, сохранение данных, электронные доказательства, запрос о взаимной правовой помощи, формальное и неформальное сотрудничество.

Najmitdinov Nodirkhon Amrillokhanovich,
Degree-Seeking Researcher at the University of Public Security
E-mail: amrilloxon47@gmail.com

INTERNATIONAL COOPERATION IN OBTAINING DIGITAL EVIDENCE IN THE INVESTIGATION OF TERRORISM-RELATED CRIMES

ANNOTATION

This article provides a detailed analysis of the legal foundations and mechanisms for the timely requesting of electronic data possessing evidentiary value in criminal cases related to terrorism from the territory of foreign states, using both formal and informal forms of international cooperation, while taking into account the requirements of admissibility of evidence. In addition, considering the specific characteristics inherent in digital evidence, the article proposes a procedure for initially sending a direct request to service providers in order to ensure the preservation (integrity) of the requested electronic data.

Keywords: terrorism, transnationality, jurisdiction, Budapest Convention, service providers, 24/7 network, data preservation, electronic evidence, mutual legal assistance request, formal and informal cooperation.

Замонавий терроризмнинг тотал рақамлашуви шароитида, яъни террорчилик ҳаракатларини режалаштириш, уларни амалга ошириш учун ёллаш, молиялаштириш ҳамда ўз фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнлари катта даражада кибермаконга кўчган даврда, рақамли далиллар терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда далиллар базасида устувор аҳамият касб этмоқда. Халқаро экспертлар ҳамжамиятларининг баҳолашларига кўра (UNODC, 2024; Europol TE-SAT 2025), ривожланган юрисдикцияларда террористик йўналишдаги жиноят ишлари материалларида рақамли далиллар улуши 75–95 фоизни ташкил этмоқда. Мазкур ҳолат рақамли далилларни қонуний олиш, уларни қайд этиш, верификация қилиш, уларга нисбатан экспертиза ўтказиш ҳамда судда баҳолаш масалалари бўйича хорижий тажрибани қиёсий-ҳуқуқий ва криминалистик жиҳатдан таҳлил қилишнинг долзарблигини белгилаб беради. Бироқ, рақамли далилларнинг аксарияти хорижий давлатлар ҳудудида хизмат кўрсатувчи интернет провайдерлари (масалан, Google, Meta)нинг серверларида сақланиб, уларни ўз вақтида далиллар мақбуллиги принципи асосида олиш ва мустаҳкамлашда бир қатор мураккаб тўсиқларга дуч келинмоқда. Хусусан, бундай муаммоларга турли даслатларнинг миллий қонунчилик тизимларидаги фарқлар, ижтимоий тармоқлар ва бошқа интернет хизматларининг хизмат кўрсатиш шартларидаги кескин фарқларни мисол келтирсак бўлади. Бунинг учун, техник тўсиқларни енгиш, шунингдек, юрисдикцион ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш талаб этилади[1].

Хорижий давлат ҳудудидан далилий аҳамиятга эга бўлган электрон маълумотларни олишда турли юрисдикциялардаги мавжуд ҳуқуқий тизимларнинг уйғунлашмаганлиги, сўровчи ва сўралаётган давлат ўртасида тегишли халқаро шартноманинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, муносиб ҳуқуқий асосларни аниқлашдаги тушунмовчиликлар рақамли далилларни олишда жиддий ҳуқуқий тўсиқларни юзага келтиради. Бу эса тергов жараёнларида кечикишларга олиб келади ва баъзи ҳолларда терговнинг тўлиқ тўхтатилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун халқаро ҳамкорликни кучайтириш, ҳуқуқий тизимларни уйғунлаштириш ва электрон далилларга тезкор ва қонуний кириш механизмларини яратиш зарурдир.

Сўнгги йигирма йил давомида халқаро ҳамжамият жиноят процессида рақамли далиллар билан ишлашни тартибга солишчи етарлича ривожланган «юмшоқ ҳуқуқ» (soft law)

нормалари ҳамда мажбурий қоидалар тизимини шакллантирди. Ушбу стандартлар учта асосий омил таъсири остида шаклланган: кибержиноятчилик ва терроризмнинг трансмиллий хусусияти; ўзаро ҳуқуқий ёрдамни амалга ошириш мақсадида процессуал тартиб-таомилларни унификация қилиш зарурати; тотал рақамлашув шароитида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш.

Ўзбекистон Республикаси жиноятчиликка қарши кураш соҳасида 20 дан ортиқ универсал ва минтақавий халқаро шартномаларнинг иштирокчиси сифатида (жумладан, 2000 йилги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши БМТ Конвенцияси, 2003 йилги Коррупцияга қарши БМТ Конвенцияси, ШХТ ва МДХ доирасидаги ҳужжатлар), шунингдек «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси[2] доирасида рақамлаштиришнинг жадал ривожланиши шароитида, рақамли далиллар соҳасида миллий қонунчиликни халқаро стандартлар билан уйғунлаштиришдан объектив манфаатдор ҳисобланади.

Глобаллашув ва рақамлаштиришнинг жадал ривожланиши даврида халқаро ҳамкорликсиз, айниқса, терроризм билан боғлиқ жиноятларни самарали тергов қилиш имконсиздир.

ЖПКнинг 14-бўлимида (593 ва 609-моддалари) жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик нормалари назарда тутилган бўлса-да, бироқ, рақамли далилларнинг табиатини, яъни уларнинг маълум вақт ўтгандан сўнг автоматик тарзда серверларнинг хотирасидан ўчиб кетиши ҳамда қайта тиклашнинг имконияти деярли қолмаслигини назарда тутилган тезкорлик принципи асосан аҳамиятли электрон маълумотларнинг бутлигини таъминлаш хусусида сўров юбориш, уларни олиб қўйиш ва топшириш механизми аниқ белгиланмаган.

Рақамли далилларни йиғиш ва алмашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик давлатлар учун ягона стандартларни шакллантирувчи бир қатор кўп томонлама шартномалар ва механизмларга асосланади. Ушбу соҳадаги асосий ҳужжатлардан бири — 2001 йилда қабул қилинган Европа Кенгашининг Кибержиноятчилик тўғрисидаги конвенцияси (**Будапешт конвенцияси**) ҳисобланади. Мазкур конвенция Интернет ва компьютер тармоқларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларга бағишланган биринчи глобал халқаро шартнома сифатида эътироф этилади.

Будапешт конвенцияси кибержиноятчиликка қарши жиноят-ҳуқуқий кураш ва электрон далилларни тўплаш соҳасида давлатлар ёндашувини унификация қилиш орқали норматив-ҳуқуқий прецедент яратди. У жиноятчиликнинг асосий кибер турлари учун жиноий жавобгарликни белгилаш билан бир қаторда, электрон далилларни олишга қаратилган процессуал механизмларни ҳам ўз ичига олади. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида тезкор ҳамкорликни таъминлашга қаратилган “24/7” тармоғини яратиш, маълумотларни тезкор сақлаб қолиш (preservation), оммавий фойдаланишдаги ахборотга трансчегаравий кириш имкониятлари ва бошқа қоидалар назарда тутилган[3].

Гарчи Будапешт конвенцияси дастлаб Европа Кенгашига аъзо давлатлар учун ишлаб чиқилган бўлса-да, унга бошқа давлатларнинг ҳам қўшилиши мумкин. Айни вақтда МДХ давлатлари орасида Арманистон, Озарбайжон ва Молдова ушбу конвенция иштирокчилари ҳисобланади. Айрим давлатлар (жумладан, илгари Россия Федерацияси) конвенциянинг айрим қоидаларига нисбатан, хусусан, маълумотлар сақланаётган давлат розилигисиз трансчегаравий кириш имкониятини назарда тутувчи 32(b)-банди юзасидан хавотир билдирган бўлсалар-да, умуман олганда Будапешт конвенцияси электрон далиллар соҳасидаги асосий халқаро-ҳуқуқий механизм сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

2021 йил 17 ноябрь куни Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 2001 йилда қабул қилинган Европа Кенгашининг Кибержиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенциясига **Иккинчи қўшимча баённомаси** маъқулланган. Мазкур ҳужжат домен номларини рўйхатдан ўтказишга оид маълумотларни ошкор этиш, шунингдек, абонентлар тўғрисидаги маълумотлар ва трафик маълумотларини олиш мақсадида хизмат кўрсатувчи провайдерлар билан бевосита ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асосни таъминлайди.

Бундан ташқари, ушбу Баённома фавқулдда ҳолатларда зудлик билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини назарда тутаяди, шу билан бирга шахсий маълумотларни ҳимоя қилишга оид қафолатларни ҳам белгилайди.

Будапешт конвенциясидан ташқари, рақамли далилларни йиғиш ва ўзаро алмашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик бошқа кўп томонлама битимларга ҳам таянади. Хусусан, 2024 йил 24 декабрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан кибержиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги янги БМТ Конвенцияси (таклиф этилаётган ном билан — «**Ханой конвенцияси**»[4]) қабул қилинди. Ушбу Конвенция мазкур соҳадаги биринчи универсал глобал шартнома ҳисобланади.

Мазкур Конвенция кибержиноятларни аниқлашга доир ёндашувларни унификация қилишга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг процессуал ваколатларини кенгайтиришга, шунингдек экстрадиция, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва электрон (рақамли) далилларни алмашишдаги тўсиқларни камайтиришга қаратилган бўлиб, ушбу янги Конвенция Будапешт конвенцияси каби минтақавий механизмларни тўлдирган ҳолда, халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Минтақавий даражада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ҳам ҳамкорликнинг ўз ҳуқуқий асосларини шакллантирган. Хусусан, МДҲ доирасида ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Конвенциялар (1993 йилги Минск конвенцияси ва 2002 йилги Кишинёв конвенцияси) амал қилиб, улар МДҲга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва экстрадициянинг умумий масалаларини тартибга солади.

Ахборот хавфсизлиги ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш бўйича 2018 йил 28 сентябрда махсус «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашда МДҲ иштирокчи-давлатларининг ҳамкорлиги тўғрисида»ги Битим имзоланган бўлиб, у бундай ишлар бўйича ўзаро ҳамкорлик шакллари, жиноятчиларни топшириш ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тартибини бевосита белгилаб беради.

Шунингдек, **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ/SCO)** доирасидаги 2009 йил 16 июнда Екатеринбург шаҳрида «**Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим**» имзоланган бўлиб, ушбу битимни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 29 августдаги 678-I-сон Қарори[5] билан ратификация қилган бўлиб, унинг талаблари ШХТга аъзо барча давлатлар (Ўзбекистон, Хитой, Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва кейинчалик қўшилганлар) учун амал қилади. У халқаро ахборот хавфсизлиги таҳдидларига (киберхужумлар, дезинформация ва бошқалар) қарши ҳамкорликни тартибга солади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, рақамли далилларни олиш бўйича халқаро-ҳуқуқий асосларнинг кўп поғонали тизими шаклланганлигини кўриш мумкин. Глобал механизмлар, хусусан Будапешт ва БМТ конвенциялари маълумот алмашинувининг ягона стандартлари ва механизмларини белгилайдиган бўлса, МДҲ, ШХТ каби минтақавий келишувлар эса ҳуқуқий тизимлари ўхшаш давлатлар ўртасида ҳамкорликни енгиллаштиради, икки томонлама шартномалар эса аниқ давлатлар ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тартибини аниқ белгилашга хизмат қилади. Мазкур ҳужжатларнинг барчаси жамланиб, Ўзбекистон хориждан рақамли далилларни олишда таянадиган ҳуқуқий базани шакллантиради.

Хорижий давлат ҳудудида процессуал ҳаракатларни ёхуд зарур маълумотларни олиш бўйича халқаро ҳамкорлик **расмий** ва **норасмий ҳамкорлик** шаклида амалга оширилади.

Бир қатор давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ваколатли ходимлари, прокурорлари ва бошқа ҳокимият органлари тўғридан-тўғри ёки норасмий каналлар орқали хориж мамлакатлардаги шериклар билан ҳуқуқий ёрдам тўғрисида расмий сўров юбормасдан зарур маълумотларни олиш имкониятига эга. Ушбу турдаги ҳамкорликнинг асосий афзаллиги - сўралган маълумотларни қисқа муддатда олиш имкониятини беради. Ўз навбатида эса ушбу шаклдаги маълумот алмашишнинг камчилиги шундаки, кўп ҳолларда судда ушбу турдаги олинган маълумот ва далиллар Ўзбекистон Республикаси Олий Суди

Пленумининг 24.08.2018 йилги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарори[6]га асосан номақбул далил деб топилади. Шунга қарамасдан, норасмий ҳамкорлик давомида ўзаро маълумот алмашишда сўровни бажаришга масъул бўлган тегишли ташкилот мансабдор шахслари томонидан юборилиши режалаштирилган сўров лойиҳаси бўйича тушунтириш тақдим этиш ёки сўраб олишни аниқлаб, ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги сўровларни тузиш ва ижро этилишини тезлаштиради. Шунингдек, мазкур турдаги ҳамкорлик шакли сўровни бажарувчиларни аниқлашга ва унинг ижросини назорат қилишга ёрдам беради.

Норасмий каналлар орқали ҳамкорлик икки томонлама асосда ёки Интерпол, Европол, Евроюст ва бошқа минтақавий ташкилотларнинг каналлари орқали амалга оширилади.

Интерпол орқали ўзаро ҳамкорлик қилиш учун республика тергов идоралари сўровларни Ички ишлар вазирлигининг таркибий қисми бўлган Интерполнинг Миллий марказий бюросига юборишлари мумкин.

Икки томонлама асосларга Ўзбекистон Републикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида 2008 йил 17 март куни тузилган (2012 йил 23 март кукни кучга кирган)да “Уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа хавфли жиноятлар турларига қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим[7]ни мисол сифатида қайд этсак бўлади. Мазкур битим асосида сўров инглиз тилида тайёрланиши ва унда қуйидагилар кўрсатилиши лозим: (1) ёрдам сўраб мурожаат этган органнинг номи ва сўралаётган орган, (2) сўралаётган ёрдам мазмуни ва ҳолат таснифи, (3) фото, видео, аудио, ҳужжатлар ва сўровни тўғри бажариш учун фойдали бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа маълумот ва ҳужжатлар.

Расмий ҳамкорлик бошқа давлатларга жиноят иши бўйича зарур маълумотларни олиш ёхуд уларни тасдиқлаш мақсадида ҳар қандай ҳаркатларни амалга оширишни сўраб расмий ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида сўров (кейинги ўринларда ЎХЁС) юбориш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 592-моддасига асосан, процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудида бажариш зарур бўлганда суд, прокурор, терговчи, суриштирувчи мазкур ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки ўзаролик принципи асосида хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан бажарилиши тўғрисида сўров киритади[8].

Хориж давлатлар ҳудудидан далилларни, хусусан рақамли далилларни олиш борасида Ўзбекистон Республикаси томонидан тузилаётган ўзаро ҳуқуқий ёрдам (ЎХЁ) ва экстрадиция тўғрисидаги икки томонлама шартномалар алоҳида аҳамият касб этади. Республикамиз жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга оид битимларни изчил равишда турли давлатлар билан тузиб келмоқда.

Жумладан, 2000 йил май ойида Ҳиндистон Республикаси билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида шартнома имзоланган бўлиб, у 2001 йилда ратификация қилиниб, кучга кирган. Кейинги йилларда Ўзбекистон Осиё ва Европа давлатлари билан қатор ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномалар тузди, мисол тариқасида Корея Республикаси (2004 йилда ратификация қилинган), Хитой Халқ Республикаси (2008 йил), Туркия Республикаси (1997 йил, фуқаролик ва жиноят ишларини қамраб олади), Бирлашган Араб Амирликлари (2014 йилда имзоланган, 2015 йилда ратификация қилинган) ва бошқалар.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, жиноятларни, шу жумладан кибержиноятларни тергов қилишда тезкорликни таъминлаш мақсадида 2017 йил 04 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва АҚШ Адлия вазирлигининг Федерал тергов бюроси норасмий ҳамкорлик қилиш имкониятини назарда тутувчи Англашув Меморандумини имзолашган.

Ушбу ҳамкорлик шартномасининг Америка Қўшма Штатлари билан тузилгани — электрон маълумотларнинг асосий қисми сақланадиган давлатлардан бири (дунёдаги қўплаб йирик интернет-компаниялар АҚШда жойлашган) сифатида — америкалик провайдерларда сақланаётган рақамли далилларни олиш учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

АҚШ билан ЎХЁ мавжудлиги туфайли Ўзбекистон тергов органлари АҚШ Адлия вазирлиги ёки Бош прокуратураси орқали расмий тартибда зарур маълумотларни (масалан, ёзишмалар мазмуни, аккаунтлар ҳақидаги ахборот) жиноятларни тергов қилиш мақсадида сўраб олиш имкониятига эга бўладилар.

Хорижий юрисдикцияларда жойлашган электрон далилларни олиш жараёни, одатда, жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам (ЎХЁ) механизмлари орқали амалга оширилади. **Юрисдикция** сўзи - суд ёки бошқа давлат ҳокимияти ваколатлари доирасини англатади[9].

Ўзбекистон Республикасида халқаро сўровларни юбориш ва қабул қилиш учун масъул марказий орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (унинг Халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик бошқармаси орқали) фаолият юритади.

Жиноят ишини тергов қилиш жараёнида, агар хорижда жойлашган ахборот талаб этилса — масалан, бошқа давлат ҳудудидаги серверларда сақланаётган ижтимоий тармоқ аккаунти маълумотлари, чет эл электрон почта провайдеридан олинadиган маълумотлар ёки хорижий давлатдаги видеокузатув камералари ёзувлари — Ўзбекистон терговчиси ёки прокурори ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида илтимоснома тайёрлайди.

Мазкур илтимоснома Бош прокуратура томонидан тасдиқланганидан сўнг, амалдаги халқаро шартнома қоидаларига мувофиқ, дипломатик каналлар орқали ёки тўғридан-тўғри тегишли хорижий ваколатли органга юборилади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, тергов ваколатлари юзасидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам қуйидаги механизмларни ўз ичига олади:

1. Бошқа давлат ҳудудида жойлашган компьютер тизимидан фойдаланган ҳолда кидириш ёки шунга ўхшаш фойдаланишни таъминлайдиган ҳаракатларни амалга ошириш, олиб қўйиш ёки шунга ўхшаш хавфсизликни таъминлаш ва ошкор қилинадиган маълумотларни ошкор қилиш (**сақланаётган электрон маълумотларга киришда ўзаро ёрдам**);

2. Компьютер тизимидан фойдаланган ҳолда бошқа давлатлар ҳудудида маълум бир хабарлар билан боғлиқ реал вақтда ахборот оқимлари тўғрисида маълумотлар тўплаш (**оқимлар тўғрисидаги реал вақт режимида маълумотларни тўплашда ўзаро ҳуқуқий ёрдам**);

3. Реал вақт режимида компьютер тизими орқали узатиладиган аниқ хабарларнинг маълумотларини тўплаш ёки ёзиб олиш (**маълумотларни олишда ўзаро ёрдам**)[8].

Ҳозирги кунда ЎХЁСни тузишда ягона стандарт шакл мавжуд эмас, аммо ЎХЁС таркибига турли хил тавсиялар ва асосий талаблар мавжуд. Бунинг сабаби, ҳар бир мамлакат қонунчилиги бир-биридан фарқ қилиб, ЎХЁСни тузишда сўралаётган мамлакатнинг хусусиятларидан келиб чиқиш лозим бўлади. Тузаладиган ЎХЁС авваламбор ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилувчи халқаро шартномаларга асосланиши лозим[10].

Сўров мазмуни ҳам миллий Жиноят-процессуал кодекси, ҳам тегишли халқаро шартнома талаблари билан тартибга солинади. Италия билан тузилган шартнома мисолида кўринишича, сўровда сўралаётган процессуал ҳаракат тавсифи (масалан, аккаунтдан ёзишмалар нусхасини олиш), иш ҳолатлари баёни, қонун моддасига ҳавола, ушбу далилнинг аҳамияти асосланиши, шунингдек, махфийликни сақлаш ва маълумотдан фақат кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш қафолатлари кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон иштирокчи бўлган кўплаб замонавий шартномалар электрон далилларни сўраш имкониятини бевосита назарда тутди (гарчи эски битимларда бу атама аниқ тилга олинмаган бўлса-да, амалиётда электрон маълумотлар ҳужжат ёки ашёвий далил сифатида талқин қилинади). Шарҳларга кўра, ҳатто икки томонлама шартнома “электрон далиллар”ни тўғридан-тўғри қайд этмаган тақдирда ҳам, “ҳужжат” ёки “ахборот” тушунчаларининг кенг талқини сабабли уларни олиш учун қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистонга хориждан электрон далиллар тақдим этиш ҳақида сўров келиб тушганда, ваколатли органлар ЖПК нормаларига мувофиқ ҳаракат қилади. Масалан, агар хорижий давлат Ўзбекистон ҳудудида сервердан маълумот олиш ёки компьютерни мусодара қилишни сўраган тақдирда, ваколатли органлар бу ҳаракатларни ўз қонунчилиги доирасида (суд

санкцияси, мутахассислар иштирокида ва бошқалар) амалга оширади, шундан сўнг, тўпланган материаллар расмий тартибда ташаббускорга томонга топширилади.

Ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон фақат расмий ўзаро ҳукукий ёрдам сўровларигагина таянмай, маълумотларни шошилиш сақлаб қолиш механизмларидан ҳам фойдаланади. Европа Кенгашининг Кибержиноятчилик тўғрисидаги конвенцияси (29-модда) ҳамда унга 2022 йилдаги Иккинчи қўшимча баённомасида хорижий давлат сўровига биноан, ҳатто суд топшириғи олинмасидан олдин ҳам **маълумотларни тезкор сақлаб қолиш (data preservation)** тартибини жорий этган.

Ўзбекистон ҳали мазкур конвенция иштирокчиси бўлмаса-да, амалда икки томонлама шартномалар ва норасмий каналлар асосида ўхшаш ёндашувни қўллайди. Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар «24/7 тармоғи»дан — G7 механизми ва Будапешт конвенцияси намунасида яратилган тезкор алоқа тармоғидан фойдаланади.

“24/7 тармоғи” деб номланган муассасанинг фаолияти киберхужумларни тергов қилишда халқаро ҳамкорлик тезлигини таъминлаш нуқтаи назара тутиб, Будапешт конвенциясига асосан, мазкур институт компьютер тизимлари ва маълумотлар билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш ёки жиноий жавобгарликка тортиш ҳамда жиноий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги электрон шаклда далилларни тўплаш мақсадида тезкор ёрдам кўрсатиш учун ҳар бир иштирокчи давлат томонидан тайинланадиган ва кунига 24 соат, ҳафтада етти кун узлуксиз ишлайдиган муассасадир[8].

Ваколатли органлар ўртасидаги бундай алоқа нуқтаси, масалан, иш вақтидан ташқари ёки фавқулодда вазиятда хориждаги ҳамкасблар билан боғланиб, зарур электрон маълумотларни (электрон почта ёзишмалари, трафик журналлари ва бошқалар) вақтинча сақлаб туришни сўраш имконини беради. Чунки, турли хил провайдер серверларида жойлашган электрон маълумотлар узоқ вақт давомида сақланмайди (одатда, 30 кунгача). Ўз навбатида, расмий каналлар орқали ўзаро ҳукукий ёрдам сўраб мурожаат қилиш кўп вақт талаб этади. Шу муносабат билан ваколатли орган жиноят иши доирасида рақамли далиллар сифатида ишлатилиши мумкин бўлган маълумотларнинг бутлигини таъминлаш учун дарҳол чоралар кўриш лозим ҳисобланади. Бундай чоралардан бири тўғридан-тўғри хизмат кўрсатувчи провайдерга **маълумот бутлигини таъминлаш тўғрисида сўров** юборишдир. Асосий йирик провайдерлар белгиланган талабларга мувофиқ электрон маълумотларнинг бутлигини таъминлаш бўйича сўровномаларни қабул қиладилар. Шундан кейин, қисқа муддат ичида Бош прокуратура орқали расмий илтимоснома юбориш лозим бўлади.

Кибермакондаги электрон маълумотлар жуда тез ўчирилиши ёки ўзгартирилиши мумкинлигини инобатга олиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ушбу алоқа воситаси айниқса терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда рақамли далилларни тўплашда жуда муҳимдир.

Амалиётда рақамли платформалар, ижтимоий тармоқлар ва мессенджерлар эгалари бўлган хусусий компаниялар орқали билвосита ҳамкорлик ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай компанияларнинг аксарияти (Facebook/Meta, Google, Microsoft, Telegram ва бошқалар) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича махсус хизматларга ҳамда сўровлар юбориш учун алоҳида электрон порталларга эга.

Хориж давлатида ҳудудида жойлашган интернет провайдерининг ўзига электрон маълумотларнинг бутлигини сақлаш тўғрисида тўғридан тўғри сўровнома юборилгандан сўнг, сақланган маълумотлар асосида Ўзбекистон томони расмий тартибда контентни тақдим этиш ҳақида илтимоснома тайёрлайди ва уни хизмат кўрсатувчи компаниянинг бош офиси жойлашган давлатга тўғридан-тўғри юборади. Кўплаб йирик провайдерлар ёзишмалар мазмуни ёки файлларни тақдим этишдан олдин айнан расмий ЎХЕ сўров ёки ўз давлатларидаги суд ордерини талаб қилади.

Шу сабабли тезкор равишда маълумотларни сақлаб қолиш бўйича норасмий сўров ва ундан кейин юбориладиган расмий ҳукукий сўровнинг уйғун қўлланилиши ҳозирги кунда рақамли далилларни ўз вақтида олишнинг стандарт тартибига айланган.

Агар талаб этилаётган давлат билан икки томонлама шартнома мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон ўзаролик тамойилига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ташқи ишлар вазирлиги орқали дипломатик каналлар билан сўров йўллайди ва ўз навбатида шундай мазмундаги сўровларни бажаришга тайёр эканлигини кафолатлайди.

Бироқ, шартноманинг мавжуд эмаслиги одатда сўров ижроси муддатини кесин секинлаштириб, кўзланган ижобий натижага эришиш эҳтимолини камайтиради. Бундай ҳолатда сўров хорижий давлат томонидан унинг ички қонунчилигига мувофиқ кўриб чиқиладиган ва сўров ижросини рад этиш эҳтимоли нисбатан юқори бўлади.

Юқорида қайд этилган муаммолардан яна бир жиҳати ресурс таъминоти бўлиб: халқаро сўровларни амалга ошириш катта харажат ва юқори малака талаб қиладиган жараён дур. Ушбу йўналишда самарақали натижаларга эришиш учун хорижий ҳуқуқни биладиган, чет тилларини эгаллаган ва ахборот технологиялари соҳасини тушунадиган кадрларни тайёрлаш зарур дур. Ўзбекистонда халқаро ҳамкорлар (ЕХХТ, БМТ, Европа Иттифоқи) кўмагида терговчилар ва прокурорларни ушбу кўникмаларга ўқитиш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда кибержиноятчилик ва халқаро ҳуқуқий ёрдам масалалари билан шуғулланувчи ихтисослашган бўлинмалар шакллантирилмоқда. Фикримизча, етарли инсон капитали мавжуд бўлмаса, ҳатто энг мукаммал қонунлар ва халқаро шартномалар ҳам самарали ишламайди деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, амалиёт шуни кўрсатадики, рақамли далиллар бўйича халқаро ҳамкорлик мураккаб, аммо ҳал этилиши мумкин бўлган вазифа дур. Қонунчилик ислохотларидан тортиб глобал ташаббусларда иштирок этишгача бўлган амалга оширилган чора-тадбирлар хорижий ҳамкорлар кўмагида муваффақиятли яқунланган аниқ тергов ишлари орқали ўз самарасини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, келгусидаги тараққиёт учун мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш зарур: **асосий халқаро конвенцияларга қўшилиш жараёнини яқунлаш, муҳим юрисдикциялар билан етишмаётган икки томонлама битимларни тузиш, тезкор маълумот алмашинувини йўлга қўйиш ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш.**

Баён этилганларга кўра, миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш мақсадида, ЖПКнинг 592-моддасини “**Хорижий давлат ҳудудидан электрон маълумотларни олишдан олдин, 30 кун ичида ушбу маълумотларнинг сақланувчи ташкилот, корхона ёки муассаса (хизмат кўрсатувчи провайдер)га тўғридан-тўғри электрон маълумотнинг бутлигини сақлаб туриш юзасидан сўровнома юбориш лозим**” деган мазмундаги 5-қисм билан тўлдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш нафақат Ўзбекистон адлия тизими, балки трансмиллий характерга эга бўлган терроризм билан боғлиқ жиноятлар бўйича муҳим бўлган рақамли далилларни хориждан олишдаги бир қатор муаммоларни самарали ечишга хизмат қиладиган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. E-VIDENCE: Requesting Electronic Evidence Across Borders for Investigating Online Criminal Matters, Including Terrorism. <https://projects.osce.org/project/E-VIDENCE>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сон (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-6079 dated 05.10.2020) // <http://lex.uz>
3. Совет Европы. Конвенция Совета Европы о противодействии киберпреступлениям, Будапешт, 23.11.2001 – Текст: электронный // Совет Европы: официальный сайт. (Soviet Europe. Council of Europe Convention on Cybercrime, Budapest, 23.11.2001 – Text: electronic // Council of Europe: official website) <https://www.coe.int/en/web/conventions/fulllist/-/conventions/treaty/185>
4. Конвенция Организации Объединенных Наций против киберпреступности. (United Nations Convention on Cybercrime) <https://www.unodc.org/unodc/ru/cybercrime/convention/text/convention-full-text.html>

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори, 29.08.2009 йилдаги 678-I-сон. (Resolution of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan dated 29.08.2009 No. 678-I) <https://www.lex.uz/docs/5272537>
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 24.08.2018 йилги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарори. (Resolution of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated August 24, 2018 "On Certain Issues of the Application of the Norms of Criminal Procedure Law on the Admissibility of Evidence.") <https://www.lex.uz/docs/3895986>
7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида «Уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида»ги Битим. (Agreement between the Government of the Republic of Uzbekistan and the Government of the United Arab Emirates "On Cooperation in Combating Organized Crime, Terrorism and Other Dangerous Types of Crimes.") <https://www.lex.uz/docs/2050317>
8. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар (Кибержиноятлар): турлари, квалификацияланиши ва уларга нисбатан тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси. “Baktria press”. Toshkent. 2020. 160, 164-167, 173-177 б. (Crimes in the Sphere of Information Technology (Cybercrimes): Types, Qualification, and Tactics of Conducting Investigative Actions Against Them. "Bactria Press." Tashkent. 2020. pp. 160, 164-167, 173-177)
9. А.Я.Сухарев, В.Е.Крутских, А.Я.Сухарева. Юрисдикция // Большой юридический словарь. – М.:Инфра-М 9рус.). – 2003. (A.Y.Sukharev, V.Y.Krutsikh, A.Y.Sukhareva. Jurisdiction // Large Law Dictionary. – Moscow: Infra-M 9rus.). – 2003)
10. Чегаралар бўйлаб электрон далилларни сўраш бўйича амалий қўлланма. БМТ НЖҚКБ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг терроризмга қарши кураш қўмиттасининг ижроия директорати ва Халқаро прокурорлар ассоциацияси. (Practical Guide for Requesting Electronic Evidence Across Borders. United Nations Office on Drugs and Crime, the Executive Directorate of the United Nations Counter-Terrorism Committee, and the International Association of Prosecutors)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.